

Ушбу сонда:

2 МАҲАЛЛА ҲАМЖИХАТ БУЛСА Кўчамизга ёмонлик ораламайди

3 МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ ҚАЕРДА, НЕГА БУЗИЛМОҚДА?

4 «САНОЙИ НАФИСА» ФРАНЦУЗЛАРНИ ҲАМ ЛОЛ ҚОЛДИРАДИ



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 23 июн, чоршанба № 82 (729)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон XXI асрга интилоқда

ОМИЛКОР КИШИЛАР

Намангандаги «Муштарий» тикувчилик бирлашмаси турдош корхоналар ўртасидаги тендерда ғолиб деб топилди.

Вилоятда ўтказилган нуфузли йиғилишлардан бирида маърузачи бозор муносабатларига ўтиш қийинчиликлари саноат тармоғига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаётганлигини, айрим корхоналар инкирозга учраётганлигини, аммо омилкор раҳбарлар ишлаётган жойларда ўтиш босқичи мураккабликларини енгишга муваффақ бўлинаётганлигини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, шундай. Мисол учун, аввал Наманганда доврўкли бўлган «Муштарий» тикувчилик бирлашмасини олайлик. Кейинги йилларда иш орқага кетиб, корхона ёпилай деб қолди. Ишчи-хизматчилар тарқалиб кетиш арасида эдилар. Шунда шаҳар ҳокимлиги тўғри йўл тутди. Бу ерга узоқ йиллар вилоят тўқимачилик саноати шохобчаларида меҳнат қилиб, катта тажриба тўплаган ташкилотчи, муҳандис Раҳимжон Пулатов раҳбар этиб тайинланди. Қарабисизи, «Муштарий» тобора қаддини тиклаб бормоқда. Жамоа қайтадан шаклланди. Махсуслот ишлаб чиқариш изга тушди. Энг диққатга сазовор жойи, мамлакат тикувчилик корхоналари ўртасида уюштирилган тендерда ҳам ғолиб чиқди. Шу тариқа амалдаги йил учун катта миқдорда давлат буюртмаси олишга эришилди.

Янги раҳбарият ишни молиявий аҳволни таҳлил этишдан бошлади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики корхонани солиққа тортишда, унга берилган қарзлар ҳисобидан бадал ундиришда бир мунча адолатсизликларга йўл қўйилган экан. Муаммони ҳал этиш учун Республика Олий ҳўжалик судига мурожаат қилинди. Масала ижобий ҳал этилди. Олий ҳўжалик суди корхона фойдасига ажрим чиқарди. Ортиқча олинган пуллар қайтарилди. Қўшимча қўйилган устама бадаллар бекор қилинди. Қарабисизи, корхона шу ҳисобдан катта миқдордаги маблагни ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш, технологияни такомиллаштириш учун ишлашти имкониятига эга бўлди. Вилоят ноҳор корхоналарни қўлаб-қувватлаш банкотлиқ комиссияси тавсисига кўра бюджетдан бўлган тўловлар, яъни 11 миллион 500 минг сўмлик пулни тўлаш мuddати 2001 йилгача кечиктирилди. Шунингдек, 10 миллион 800 минг сўмлик солиқ устама бадали ҳам кечиб юборилди.

Бундан ташқари, янги маъмурият ортиқча сарф-харажатларни қисқартиришга тааллуқли бошқа тадбирларни ҳам амалга оширди. Биринчи навбатда маъмурий бoshқарув аппарати кескин қисқартирилди. Корхона омборхоналарида бир неча йиллардан бери сотилмасдан чанг босиб ётган махсуслотлар, керакисиз асбоб-анжомлар, ортиқча хомашё реализация қилинди. Бекор ётган филиалларнинг бинолари ким ошди савдосига қўйилди. Шаҳар ички ишлар бўлими қошидаги харбийлаштирилган қоровуллик хизматидан ҳам воз кечилди. Тикувчилик цехларидаги бузилган машиналар сифатли таъмирдан чиқарилди. Олдинлар асосан автокорхоналардан транспорт чакрилиб, фойдаланилган бўлса, энди бундай иш услубига барҳам берилди. Бунинг ўрнига корхонада мавжуд автомашиналар таъмирланиб, улардан фойдаланишга ўтилди.

— Ишлаб чиқаришни қайтадан уюштириш осон кечмади, дейди корхона раҳбари Р.Пулатов. - Бирлашмада ишлар анча юришган, аввал фаолият кўрсатган мутахассис ва хунармандларимизни яна қайтадан ишга жалб этдик. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлар ўтказдик. Янги давр талабларини тушунтирдик. Бугунги кунда 300 нафардан зиёд ишчи-хизматчидан иборат жамоамиз шаклланди экан, дадил айтишимиз мумкинки, уларнинг ҳар бири ўз ишининг усталаридир.

Юкорида тилга олиб ўтилган чора-тадбирлар қадам-қадам ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистонда бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 20 та тикувчилик бирлашмалари орасидан наманганлик чеварларнинг тендер ғолиби сифатида тан олинганлигини ўзи ҳам бунинг яққол далилидир.

Фақат махсуслот сифати жиҳатидангина эмас, балки унинг ҳажми, белгиланган режа ва топшириқларнинг бажарилиши бўйича жамоа эришадиган натижалар ҳам чакки эмас. Масалан, тўрт ойда 12 миллион 360 минг ўрнига 19 миллион 63 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Айти пайтда жамоа давлат буюртмасига доимо эга бўлиб бориш учун кўрик-конкурсларда, тендер танловларида фаол иштирок этишни режалаштирган. Бундан ташқари, Ҳиндистон ва Покистон фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил этиш учун музокаралар олинб боришмоқда. Бу борадаги ишлар ижобий яқунланса, энг замонавий ҳамда бугунги талабларга жавоб бера оладиган кийим-кечаклар тикшиш учун хомашё олиш имконияти қўлга киритилган бўлур эди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Азиз дўстлар! Сизларни хушхабар билан, катта меҳнат ғалабангиз - мамлакатда биринчи бўлиб давлатга ғалла топшириш бўйича йиллик режани бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Бухороликлар ўзларинг фидокорона меҳнатлари, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, вилоятнинг тупроқ иқлим шароитига мос навларни

танлаш борасида изчил иш олиб борганлари туфайли ҳар гектар ердан 37,6 центнердан ҳосил олиб, баракали хирмон кўтаргани барчамизни мамнун этди.

Вилоят ғаллакорлари қўшимча равишда яна 20 минг тонна ғалла топширишга аҳд қилгани мамлакатимиз дон мустақиллигига қўшилётган улкан ҳисса деб баҳолайман.

Муҳтарам юртдошларим!

Сизларни - вилоят ғаллакорларини, бутун Бухоро аҳлини ажойиб ғалабангиз билан муборакбод этаман.

Барчангизга сыхат-саломатлик, хонадонларингизга фойз-барака, тинчлик ва омонлик, Ватанимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти

Президент таширфидан сўнг ОСОЙИШТАЛИК УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

«Ўзбекистон ўтиш давридан муваффақиятли ўтди. У ўз иқтисодийтини босқичма-босқич эркинлаштириб, бошқа собиқ совет республикалари бошига тушган қийинчиликлардан халқини асраб қолди...» Европанинг нуфузли молиявий журналларидан бирида чоп этилган мақолада келтирилган мазкур сатрларни ўқиб, тўғриси, беҳад фахрландим. Дарҳақиқат, доно йўлбошчимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар энг аввало инсон манфаатларини кўзлаётганлиги учун ҳам шундай эътирофлар айтилаётди. Муҳтарам Президентимиз Сурхондарёга қилган сафарларида ҳам иқтисодий-иқтисодий ислохотлар жараёнининг бориши билан атрофлича қизиққанлари бежиз эмас.

Сурхондарё - мамлакатимизнинг энг жанубий ўлкаси. Экин-тикин учун айниқса қулай иқлим шароитига эга. Йил давомида икки, ҳатто уч марта ҳосил олиш ҳеч гап эмас. Бироқ, очик тан олишимиз даркорки, ҳамма жойда ҳам бу имкониятдан тўлиқ фойдаланилаёпти, деб бўлмайди. Хусусан, юртбошимиз бизнинг «Сурхон» ширкатлар уюшмасининг «Улуғбек-2» фермер ҳўжалиги ғалла майдонларини кўздан кечирар эканлар, ҳосилдорликни кескин ошириш вазифасини қўйдилар.

Бор гапни айтган маъкул. Ҳўжалигимиз ўтган йили санацияга тушган. Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган ёрдам, қолаверса деҳқонларимизнинг астойдил меҳнати туфайли энди-энди оёққа туриб олаёلمиз. Масалан, ўтган йили 1448 гектар пахта майдонидан 5 минг тоннадан зиёд оқ олтин, 1504 гектар ғаллазордан эса 3700 тоннадан ортиқ дон олдик. Бошқача қилиб айтганда, пахта ҳосилдорлиги 35,1 центнер бўлгани ҳолда, ғалла ҳосилдорлиги 25 центнерга ҳам етмади. Гарчанд умумий ҳисобда 34 миллион 227 минг сўм соф даромад олинган бўлса-да, бу ҳали имконият даражасида эмас, деган фикрга келдик. Юртбошимизнинг ғалла ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари ҳақида берган маслаҳатлари одамларимизнинг ишга бўлган рағбатини янада жўш урдириб юборди.

Бугун деҳқон учун дала ўз уйи, ўз ҳовлисидек ардоқли бўлиб қолди. Барча пишиқ этилган ғаллани вақтида, нест-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш иштиёқида. Президентимиз таширфидан сўнг руҳимиз янада тетиклашиб, ўз кўчимизга бўлган ишончимиз ортиб кетди. Энди деҳқонларни илгаригидек мажбуран далага чорлаш шарт эмас. Улар ўз вақтида иш ҳақларини олсалар бас - қолган барча муаммоларни ўзлари қўлни-қўлга бериб ҳал қилишга қодирдилар.

Бу йилги режаларимиз тагин-да улуг. Ғалладан мўл ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Маълумки, ғаллакорларимиз ўтган йил сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, далаларга «Полтавчанка» навли уруғ қадаган эдилар. Мазкур навнинг афзалликларини Президентимиз ҳам эътироф этиб, саъй-ҳаракатларимизни маъқулладилар. Ҳосил чўғини чамалаб кўриб, муҳтарам юртбошимизга 1344 гектар ғаллазордан 45 центнерга қадар хирмон кўтаришга сўз бердик. Бугун ғаллакорларимиз бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб астойдил ишламоқдалар. Илгорлар сафида бораётган Рўзбой Эшназаров ҳамда Нормўмин Омонтурдиевлар бошлиқ бригада ва оилавий ижарачилар ҳосилдорлигини 50 центнерга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Юртбошимиз вилоят ғаллачиликдаги энг катта камчилик, бу уруғ танлашда, деҳқон ва фермерлар фикри инobatга олинмаганлигида, деб қўрсатиб ўтганлари жуда тўғри бўлди. Қолаверса, бозор талаби ҳам шунини таъқоз этмоқда. Ҳеч бир деҳқон ўзининг зарари учун ишламайди.

Урни келганда бир фикрни айтишни жуда-жуда истардим: деҳқон меҳнат қилишини яхши билади. Унинг учун ҳозир фақат бир нарса - мамлакатимизда тинчлик барқарор бўлсин. Президентимизнинг қуйидаги пурҳикмат сўзлари бугун барчаннинг қалбидан чуқур жой олди:

«Яшаб турган жойидаги осойишталик учун ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро, бутун жамоатчилик масъулдир. Ичимиздан чиққан ақли қосирлар, қалби мажруҳлар бўлмаса, бизни четдан келиб ҳеч ким енголмайди».

А.ҚУРБОНОВ,
Жарқўрган туманидаги
«Сурхон» ширкатлар уюшмаси раиси.



Эллиққалъа туман қишлоқ ва сув бўшқармаси мутахассислар, деҳқонлар, фермер ҳўжаликлари аъзоларининг кўнгилли дам олишларини кўзлаб тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Яқинда «Дамба» бўлимида тармоқда меҳнат қилаётганлар учун дам олиш уйи бунёд этилди. Аини вақтда бу маскан қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг севимли манзилига айланган.

Суратда: Фермер Қаландар Матмуродов дам олиш масканида.

ДЕҲҚОНЛАР ҒАЙРАТИ САМАРАСИ

Шароф Рашидов тумани Темур Малик номидаги деҳқон-фермерлар уюшмаси бепойён ғаллазорларида кудратли «Кейс» комбайнлари бир маромда ишлаяпти. Бу юмушга жалб этилган одамлардаги ўзгача шижоат, кўтаринкилик уларнинг юз-кўзларидан кўриниб турибди.

— Қузда бугдой экилган жами майдонларимизни ширкат аъзоларига бўлиб берган эдик, дейди уюшма раиси Б.Қаюмов. - Улар ҳар гектар ердан олинган ҳосилнинг 30 центнерини ҳўжаликка топширидан, ортиқча ҳосилни ўз ихтиёрларига олиб қоладиган бўлди. Ғалла пайкалларига бирорта ҳам мол оралашига йўл қўйилмади. Ширкат аъзоларининг ўзлари ғаллани кўриқлаб, ўзлари парваришладди, сугоришди, озиклантиришди, эндиликда эса ўриб-йиғиб олишга ҳам ўзлари бош-қош.

Уюшма аъзолари бу йил 1784 гектар майдондан жами 4 минг 460 тонна дон топширишни ният қилган. Ҳўжалик мутахассислари ўрилган пайкаллару тарозидан ўтган ҳосил чўғини таҳлил қилишар экан, ҳосилдорлик гектар ҳисобига 40 центнердан кам бўлмаслигини айтишмоқда.

А.ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

УНУТШИЛМАС КУНЛАР

Хотира инсон қалбининг тубида абадий муҳрланадиган ўтган кунлар йиғиндиси. Сирдарё вилояти О.Ҳўжаев номидаги театр биносига Жўра Маҳмуд қаламига мансуб «Аёллар фарёди» спектаклининг намойиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Спектаклни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Маматхон Асқаров сахналаштирган. Бош ролларни театрнинг таниқли актрисалари Шафоат Раҳматиллаева, Ақида Ҳайитова, Озода Абдуллаева ва Лутфия Маманазаровалар ижро этишди.

1999 - Аёллар йили

ШАЪРИФҶА СИҶМАҶАЙ...

Тавсифга сифмагай ҳусни жамоли,
Қошига ҳавасманд кўнжинг ҳилоли,
Шамшодга мэнгзалар қадди ниҳоли,
Мукаррам, мунаввар, мунис, оболи
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Қирмиз ёноғида мэнг яратилган,
Бўйи бирла сочи тенг яратилган,
Қалби осмон каби кенг яратилган,
Дилафрўз, дилрабо, дилбар, ҳаёли
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Искандар маҳуби - сулув Равшанак,
Ойдан-да, қундан-да гўзал бир малак,
Не-не буюк зотлар ишқиди ҳалак,
Оқила, собира, сўлим, сафоли
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Минг шаҳар арзимас битта холига,
Тола сочин бермам дунё молига,
Юлдузлар ошқидир нил рўймолига,
Ҳаво, Биби Марям каби жамоли
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Барчиним, Кумушим, Моҳларойимсан,
Порлаган қуёшим, тўлин ойимсан,
Садоқат қасрида мангу қойимсан,
Саботу бардошли, меҳру вафоли
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Ҳақ йўлида собит тургай доимо,
Ёмонлик келмагай қўлидан асло,
Унга ёмонликни кўрмангиз раво,
Хароб айлар кимни тутса уволли
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Мудом алла айтиб тебратар бешик,
Унга муқаддасдир иккинчи эшик,
Эр-ярим пир, дея хизматида тик,
Ҳеч кимга ҳеч қайда йўқдир малолли
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Тумарисдан мерос олмос яроғи,
Орзу, ҳавасларга тўла қароғи,
Ўзбек оиласин фазйи, чароғи,
Мен унинг гуломи - занжи Билоли
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Навоий бахш этмиш минг-минглаб ғазал,
Унга эл хурмати буюк, мукаммал,
Исботин сўрсангиз, ана Тожмаҳал,
Ҳаёт, Она, Ватан - унинг тимсоли
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Ҳаёт туғи нозик дастиди унинг,
Жаннатлар оёғи остида унинг,
Баҳор ҳиди бўйи бастиди унинг,
Дилимда, тилимда фазлу камоли
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Мирза ҚАЙНАРОВ.

Ўзбекистон - Ватаним меним ДУРДОНА ТОШКЕНТДА КУЙЛАЙДИ

Андихонда анъанавий кўшиқлар танловининг вилоят босқичи яқунланди. Унда шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган танлов ғолиблари ўзаро ижрочилик маҳорати борасида куч синашди.

Икки кун давом этган танловда «Истиклол фарзандиман» кўшигини маромига етказиб ижро этган Қорасув шаҳар маданият уйи хонандаси Дурдона Юсупова ғолиб деб топилди. Энди у республика кўшиқ байрамида иштирок этади. Марҳамат тумани маданият уйи ходими Манзура Ёқубова эса «Она юртим» кўшиғи билан Республика маданият ишлари вазирлиги шу йил 9 июл куни ўтказиладиган кўрик-танловда қатнашиш учун йўланма олди.

К.НИЗОМОВ,
ЎЗА мухбири.

Ватан остонадан бошланади. Бу сўзлар жисму жонимизга синган. Хонадонимиз, маҳалламиз тинч ва фаровон экан, юртимиз ҳамма оёйишта бўлади.

Республикамиз истиқлолга эришгач, маҳалларга эътибор кучайтирилди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига улкан масъулият юклатилди. Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси XIV сессиясидаги марбузасида: «Тупланган

раҳбарияти билан бамаслаҳат иш юритаётганлигимиз ижобий натижалар берапти. Ҳўжалик асосан пахтачилик ва галлачилик билан шугулланади. Аҳолининг кўпчилиги шу ерда меҳнат қилишяпти. Ҳалол меҳнатлари туфайли дастурхонлари тўкин, хонадонлари баракали.

Бугунги кунда қишлоқларда 200 га яқин кам таъминланган, ёлғиз оилалар бор. Улар доимо ижтимоий ҳимояда. Маҳалла фаоллари тез-тез бу хонадонларда бўлиб, фуқаро-

лама ибратли оилалар иштирок этишди. Унда фарзандларини ўқимшли, хунарли, эл-юрт қорига ярайдиган ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаётган, келину куёвларини ўз фарзандларидек эъозлайдиган, маҳаллада обрў-эътибор толган, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган оилалар сафи кенгайиб бораётганлиги аниқланди.

Кўрик-танловда Эргаш Қаршиев оиласи голиб деб топилди.

Малоҳат Сиддиқова эса «Энг намунали келинчақ» танловининг совриндори бўлди.

Бундан ташқари маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари, шифокорлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан урчушлар, суҳбатлар ўтказилиб турилади.

Фуқаролар йиғини ҳудудда 6 та мактаб, касб-хунар лицейи, 4 та болалар боғчаси фаолият кўрсатапти. Ёш авлодни шу кун талаблари даражасида билим олишлари учун илм масканларида имкониятлар яратилган.

Тегирмонлар, пойафзал тузатиш устaxonалари, ҳаммомлар ва сартарошхоналар аҳоли хизматида.

Маҳалла кўмитаси раислари эл ичида обрў-эътибор топган кишилардан сайланган. Шу боис уларнинг фикрига, маслаҳатига ҳамма қулоқ тутди. Касб-кори, ёши, мансабидан қатъий назар шу ҳудудда истиқомат қилаётган ҳар бир одам фуқаролар йиғини фаоллари олиб бораётган тадбирларни амалга оширишга ўз кўмакларини беришади, дейди Эркин Ҳасанов, - бу эса аҳиллик, ҳамжихатлик белгисидир. Шунинг учун ҳам қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очиб борапти. Одамларнинг ҳам бир бирига меҳри, муносабати янада яхшилланган.

Мабодо, йўлингиз тушишда Денов фуқаролар йиғини ҳудуддаги қишлоқларда бўлсангиз, яратувчилик ишқи билан меҳнат қилаётган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган замондошларимизни кўриб қалбингизда илқил туясиз.

Ҳа, маҳалла аҳиллиги юрт фаровонлиги омилдир.

Абдулла АЙИЗОВ,
«Ишонч» мухбири.



МАҲАЛЛА ҲАМЖИҶАТ БЎЛСА

Кўчамизга ёмонлиқ ораламайди

ижобий тажрибани ҳисобга олиб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва химоялаш тажрибасини янада кенг жорий этиш зарур. Шундангина биз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқликни ва адолатни таъминлай оламиз. Энг муҳими эса, шу мақсадлар учун ажратилаётган катта маблағдан самарали фойдаланишни таъминлай оламиз» дейилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолининг яшаш тарзини яхшилашда фидойи бўлиш билан бирга, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишда ҳам ташаббускор ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатишмоқда.

Касби туманидаги Денов қишлоқ фуқаролар йиғини тасаруфидидаги Денов, Пандирон, Новқат, Таллиюлгул, Худоён ва Дуреза қишлоқларида 12 минг 550 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилапти. Ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли маҳалла оқсоқоллари га ҳафтадек аён.

Ҳамкорликда ҳикмат кўл экан, дейди фуқаролар йиғини раиси Эркин Ҳасанов, - «Қашқадар» жамоа-ширкат ҳўжалиги

лар қалбига қулоқ тутишади. Моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашишади.

Олдчилари қишлоқларда тўйлар дабдабали, ким ўзарга ўтказилар, натижада исрофгарчиликлар, тартибсизликларга йўл қўйиларди. Иқтисодий аҳоли ночор кишиларнинг эса кўнгли ўқсир эди. Чунки, номдор санъаткорни олиб келиш фалон сўм, спиртли ичимликни сотиб олиш фалон сўм. Ахир, ўн йиллаб, пешона тери эвазига жамғарилган пулларни бир неча соатда ҳавога совириш керак, бунинг устига яна бир неча йил қарзни узиш зарур эди. Бўлмаса, «ном чиқариб» бўлмасди-да.

Хайриятки, Президент фармонидан сўнг деновликлар ҳам тўй ва маъракаларни тартибли, ихчам тарзда ўтказа бошладилар. Маҳалла фаолларидан иборат тўй комиссияси ташкил этилди. Ортиқча сарф-харажатларнинг олди олинди. Бу тадбирлар ҳар бир оиланинг иқтисодиётини янада мустаҳкамлади. Турмуш тарзи яхшиланди.

Маданий-маърифий тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши турилиши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир ўтказаяпти.

Фуқаролар йиғини ташаббуси билан аёллар йилга бағишланган кўрик-танловлар ҳам ўтказилмоқда.

«Энг намунали оила» кўрик-танловда ҳар томон-

Яхши ишлаб, яхши яшайтганлар

Мархаматнинг Улуғтоғ тизмаларига туташ адирикларда жойлашган бу ҳўжаликда бугун 850 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг катта қисми чорвачилик билан машғул. Ҳўжаликнинг чорва мажмуи йил бошида наслчилик заводига айлантирилган бўлиб, чорвадорлар вилоят ҳўжаликларига наслдор қорамоллар етказиб бериш билан шугулланадилар. Ҳозир заводда 710 бош қорамол парвартиш қилинапти.

Ҳўжаликнинг умумий ер майдони 3000 гектардан зиёд бўлса-да, ҳайдаладиган майдони 920 гектарни ташкил этади. Шундан 302 гектарига бугдой экилган, қолган майдонларни боғ, сабзавот ва чорвабоп экинлар эгаллаган.

Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллик байрамига муносиб соғда иш ташкил қилинган.

Ишловчилар ҳўжалик бошқаруви ва касоба уюшма кўмиталари ўртасида имзоланган жамоа шартномасига асосан махсус кийим-бош ва иссиқ оват билан таъминланиб турибди. Уларнинг иш ҳақлари ҳам ойма-ой нақд пул ва натура ҳолатида бериб борилапти. Ўрим қатнашчиларига кўрсатилаётган гамҳўрлик, табиийлик, ишловчилар гайратига-гайрат кўшмоқда.

Зокир Абдуллаев, Олим Мирзаталов, Исроил Умаров каби комбайнчилар,

бор, ҳўжаликда аҳолини ижтимоий, иқтисодий химоялашга катта эътибор берилаяпти. Агар ҳўжаликда мавжуд галла майдонларидан 60 центнердан бугдой йиғиштириб олинса, 1920 тонналик хирмон яратилади. Давлат буюртмаси 720 тонналикни инobatга олсак, 1000 тоннадан зиёд бугдойни аҳолига тарқатиб бериш имконияти туғилади.

Ҳўжаликда 200 та оила истиқомат қиладиган шаҳарча бор. Бу ерга газ олиб келиш масаласи узоқ йиллардан бери ҳал қилинмай келинади. Яқинда бу муаммо ижобий ҳал этилди, 6,5 км узунликдаги газ қувурлари ётқизилди. Узоғи билан 10-15 кун ичида шаҳарча аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўла бошлайди. Бу эса ҳўжалик бошқарувининг Вазирилар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига амалий жавоби бўлади.

Шукрулло НЕЪМАТОВ.

«Галла - 99»

Ризқ-рўзимиз бўлган галла ҳосилини нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш айна қизгин паллага кирди. Кун сайин республикамиз галлакорлари уяётган хирмон баракали бўлаяпти.

Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Ибн Сино номли жамоа ҳўжалиги миришкорлари жорий йилда «Қунава» навли бугдой экиб, гектардан 70 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда. Шу мақсад йўлида жамоанинг ҳар бир аъзоси виждонан меҳнат қилаётган.

Суратда: комбайнчи Мавлон Нарзиев. Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

АДИР БУГДОЙИ

нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун 2 сменада иш ташкил қилинган.

Ишловчилар ҳўжалик бошқаруви ва касоба уюшма кўмиталари ўртасида имзоланган жамоа шартномасига асосан махсус кийим-бош ва иссиқ оват билан таъминланиб турибди. Уларнинг иш ҳақлари ҳам ойма-ой нақд пул ва натура ҳолатида бериб борилапти. Ўрим қатнашчиларига кўрсатилаётган гамҳўрлик, табиийлик, ишловчилар гайратига-гайрат кўшмоқда.

Зокир Абдуллаев, Олим Мирзаталов, Исроил Умаров каби комбайнчилар,

ОМБОРЛАР ДОНГА ТЎЛМОҚДА

Хонқа тумани галлакорлари Хоразм вилоятида биринчи бўлиб ўзларининг шартнома мажбуриятларини бажарди. Улар ўтган ҳафта охирига қадар «Хонқа дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти қабул пунктига давлат буюртмасида белгиланган 3730 тонна галлани етказиб берди. Шунга қарамай, галла ўрим-йиғими давом этмоқда.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, туманда ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш, яна 10 минг тонна галла олиш мумкин.

Хонқаликлардан сўнг Хива, Янгйариқ туманлари деҳқонлари ҳамда Пинтак шаҳри атрофида жойлашган ҳўжаликлар маррага етди. Шу кунгача ҳаммаси бўлиб вилоят омборларига 20600 тонна галла етказиб берилди.

Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасидан олинган хабарга қараганда, ҳозир галла ўрим-йиғимида 80 дан ортиқ «Кейс», «Класс», «Нью холланд» ва бошқа хорижий комбайнлар иштирок этмоқда.

ЭЛЛИҚАЛЪА: БУЛТУРГИДАН 18 КУН ИЛГАРИ

Она-Ватан омборларига режадаги 2800 тонна сара дон топшириш учун Эллиқалъа тумани галлакорларига саккиз кун кифоя қилди. Бу билан шартномада белгиланган давлат буюртмаси ошириб бажарилди. Эришилган галабага ҳосилдорликни 35-40 центнерга етказган «Сарабий», «Бўстон», «Амиробод», «Дўстлик» фермерлар уюшмалари баракали ҳисса қўшдилар. Эллиқалъаликлар ялғи хирмони 5 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

(ЎЗА)

АРМИЯДА ИСЛОҲОТ

кин, амалда қўлланилаётган ўқув дастурларининг кенг доираси сақлаб қолинади.

«Цзефанцзюнь бао» (Озодлик армияси) газетасининг ёзишича, мазкур ислохот Хитой армиясининг мудофаа қудратини янада юксалтиришга хизмат қилади.

ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

Расмий маълумотларга қараганда, бугунги кунда Японияда ишсизлик суръати 4,8 фоизга ўсган. Бу мамлакат тарихидаги рекорд кўрсаткичдир, деб хабар беради «Синхуа» мухбири.

Молия вазири Киити Миядзаванинг билдиришича, ишсизлик Япония учун энг долзарб муаммолардан биридир. Мамлакат иқтисодиётидаги айрим оқсашлар ҳам айнан шу муаммонинг оқибатидир.

ХИТЎЙ ҲУКУМАТИ ҲАРБИЙ ЎҚУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ЯНГИ ИСЛОХОТНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ, ДЕБ ХАБАР БЕРАДИ «СИНХУА» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ. УНГА ҚЎРА, ҲАРБИЙ АКАДЕМИЯЛАР ҲАМДА БИЛИМ ЮРТЛАРИ СЕНИ ВА У ЕРЛАРДАГИ ИШ ҲЎРИНЛАРИ ҚИСКАРТИРИЛАДИ. ЛЕ-

нишга мажбур бўлган. Бош ва бўйин бўғинларининг шикастланиши оқибатида фаол меҳнат қилишга лаёқатсиз. Тиббий мутахассисларнинг хулосасига қўра, унинг меҳнатга қобилиятсизлиги 70 фоизни ташкил қилади. Шундай қилиб, Тамара II гуруҳ ногирони бўлиб қолди.

У вақти-вақти билан даволаниб туриши лозим. Муолажа ва ўз мувозанатини сақлаб туриши учун махсус дорилардан ичиб турмоғи шарт. Унинг нархи эса ўртача 800-1200 сўм туради. Бунинг устига ҳар кун рўзгор тебратишга ҳам пул керак. Маъмурият ишлаб чиқариш билан боғлиқ жароҳат учун товон пули тўлашдан бош тортмоқда. Эмишки, корхона ҳисобида маблағ йўқ. Наҳотки, икки йилдан бери ушбу корхона пулсиз фаолият кўрсатаётган бўлса? Ахир, корхонага янги техниклар, асбоб-ускуналар келтириш, механизациялашни тақомиллаштириш ишлари давом эттириляпти-ку? Маблагсиз бу нарсалар амалга ошадими? Бунинг устига қанча ходим, ишчи ва хизматчилар ишлашяпти-ку. Уларга маош берилмайдими?

Ҳисоб-китобларга қараганда, Т.Сусловага бериладиган товон пули бугунги кунда 340 минг сўмдан ортиқни ташкил қилмоқда. Ҳар ойда 14 минг 21 сўм 15 тийиндан қўшилиб бормоқда. Сансалорлик давом этса, қарзлар ўз-ўзидан кўпайиб бораверади. Бундан кимга фойда-ю кимга зиён?!

Муродулла ҒАФУРОВ.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси аралашгач МАЪМУРИЯТ ТОВОН ПУЛИНИ ТЎЛАШДАН БОШ ТОРТГАНДА

Меҳнатқашлар манфаатини собит туриб химоя қилиш республика касоба уюшмалари Федерациясининг асосий шioriдир. Зеро, фуқаролардан келаётган ҳар бир хат алоҳида эътиборда бўлмоқда.

Шикоятларнинг аксарияти тегишли соҳа ходимлари томонидан синчиклаб ўрганилиб, қонунлар талаби асосида ҳал қилинаётган. Бироқ, шундай чигал масалалар ҳам борки, уларни ечиш, адолатни юзага чиқариш осон кечмаётган. Айрим раҳбарларнинг масъулиятсизликлари туфайли корхона-ю ташкилотларга ҳам, фуқароларнинг иқтисодий ва маънавий манфаатларига ҳам катта зарар етмоқда.

«Сувқурилиш» ишлаб чиқариш курилиш-монтаж бирлашмаси ана шундай корхоналар сирасига кирди. Бундай дейишимизга асос бор, албатта. Икки йилдирки, Тошкент шаҳар касоба уюшмалари Кенгашида Тамара Суслованинг даъво аризасини қондириш учун курашиб келинмоқда. Икки йилдирки, «Сувқурилиш» бирлашмасига қарашли кичик механизация бошқармасига юборилган қонуний кўрсатмалар ижро этилмаётган.

Ҳуқуқий меъёрларнинг бузилганлиги фуқаро тақдир этган ҳужжатларда ўз аксини топган. Ишлаб чиқариш корхонаси маъмуриятининг меҳнат қонунларига амал қилмаётганлиги сезилиб турибди. Очиғи, инсон тақдирига бефарқлик ва лоқайдлик бу ерда илдиэ отган кўринади. Гап шундаки, 23 ойдан бери Т.Сусловага етказилган моддий ва маънавий зарар учун тўлашиши лозим бўлган товон пулларини бериш пайсалга солинмоқда. Ҳўш, нима учун?

Давоғларнинг ёзишича, 1996 йилнинг 24 декабрида хизмат вазифини бажариш учун сафарга кетаётганда, транспорт ҳодисаси рўй бериб, қаттиқ жароҳат олган. Натижада тўрт ойомбайнида давола-

Тахририятдан:

Ушбу мақола чоп этилаётганда Т.Сусловага 60 минг сўм товон пули тўланганлиги ҳақида билдиришнома келди. Унда айтилишича, корхона раҳбарлари қолган қарзни маблағ тушишига қараб тўлаб боришга ваъда беришган.

OLAMDA NIMA GAP

НАЙРОБИ. БМТнинг қочқинлар масаласи бўйича олий комиссарлиги дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотларини Африка мамлакатларидаги қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди.

Африка қитъасида кейинги йилларда «оловли нукта»лар сони янада кўпайиб жда. Қуролли можадорлардан безор бўлган аҳоли турар жойини ташлаб бошқа ҳудудларга кўчиб кетишга мажбур бўлаётган. Кўп жойларда озик-овқат, дори-дармон тақчиллиги сезилмоқда. Айниқса, Руанда, Бурунди ва Конгода қочқинларнинг аҳоли ачинарлидир. Уларга шошилинч ёрдам кўрсатилмаса, очарчилик авж олиши мумкин, дейди олий комиссарлик вакили.

СТОКГОЛЬМ. Шимоллий Европанинг беш мамлакатаи ҳукумат бошлиқлари халқаро ҳамжамиятини Болконда тинчликни қарор топтириш учун Сербия аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга даъват қилди. Айниқса, турар жойларига қайтиши учун қосоволик қочқинларга шарт-шароит ярати бериш лозим.

ХАРАРЕ. Жанубий Африка минтақаси мамлакатлари тинчликпарвар кучлар тайёрлаш мақсадида махсус ўқув маркази таъсис этиди. Бўлажақ марказда 14 мамлакат ҳарбийлари тинчлик ва барқарорликни сақлаш, урушларни бартараф қилиш борасида ўз малака ва билимини оширади, тажриба алмашади.

БМТ раҳбарияти ушбу ташаббусни маъқуллаб, бу минтақда осойишталикни сақлашда муҳим аҳамият касб этажанини таъкидлади ва марказ билан мунтазам алоқалар йўлга қўйилажанини маълум қилди.

ВАШИНГТОН. АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэннинг Буйруғига биноан, НАТОнинг Югославияга ҳаво ҳужумида қатнашган уч юзта ҳарбий самолёт Европа ва АҚШдаги ҳарбий базаларга қайтарилди.

АДДИС-АБЕБА. Африкада қочқинлар кунни ўтказилди.

Қитъа мамлакатларида бундай тадбирни ўтказиш аънаъанга айланган. Уша кун қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида хайрия тадбирлари ўтказилади.

БМТнинг қочқинлар масаласи бўйича олий комиссарлиги маълумотига қараганда, ҳозир дунё бўйича 22,1 миллион нафар қочқин бор. Уларнинг 6,5 миллиони Африкада истиқомат қилади.

Қитъа мамлакатларидаги фуқаролар уруши ва сиёсий беқарорлик қочқинлар сонининг тобора ошишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, 1970 йилнинг ўзида ушбу қитъада ўттизга яқин турли даражадаги урушлар бўлганди. 1996 йили эса 14 мамлакат ўртасида ўзаро келишмовчиликлар келиб чиққан ва қуролли можа-рога айланиб кетган эди.

(ЎЗА)



НАТОнинг Югославияга ҳаво ҳужуми тўхтади. Югославия ҳукумати сўнгги 11 кун давомида Косоводан 47 минг нафар ҳарбий ва полициячиларни олиб чиқиб кетди. Шунингдек, 800 та танк ва бошқа ҳарбий техника ҳам олиб кетилган. Айни пайтда халқаро тинчликни сақлаш кучлари Косового киритилмоқда, қочқинлар ўз ватанига қайтарилмоқда.

